

**СЎФИ ОЛЛОЁР ИЖОДИДА ТАСАВВУФИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАР****Насруллаев Жавоҳир Жасур ўғли**

Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факультети талабаси

Аннотация. Ушбу мақола ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф тарихининг йирик намоёндаси бўлган Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти, ижодий мероси, хусусан, «Сабот ул-ожизин» асарининг таҳлили, шунингдек, унинг тасаввуфий ва ахлоқий ғояларининг илмий талқини бағишланган. Тадқиқотда муаллифнинг ҳаёти, асарлари, «Сабот ул-ожизин»нинг бадиий-қурилиш хусусиятлари, тасаввуфий қарашлари, ахлоқий тарбия ва комил инсон ғояси таҳлил қилинади. Илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Сўфи Оллоёр ўзбек адабиётида диний-тасаввуфий қарашларни бадиий-ташвиқий йўсинда давом эттирган, комил инсон тарбиясига қаратилган ўзига хос педагогик ғоялар илгари сурган мутафаккир шоирдир.

Калит сўзлар: Сўфи Оллоёр, тасаввуф, «Сабот ул-ожизин», ахлоқий тарбия, комил инсон, нақшбандия, маънавий-маърифий ғоялар.

Кириш. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий-маънавий кадриятларни қайта тиклаш, буюк аждодларимизнинг илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда Президентимиз томонидан буюк алломаларимиз, жумладан, Сўфи Оллоёрнинг меросини илмий асосда ўрганиш, уларни кенг тарғиб қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўфи Оллоёр ўзбек мумтоз адабиёти тарихида диний-тасаввуфий қарашларни бадиий-ташвиқий йўсинда давом эттирган, бир қанча салмоқли маснавий асарлар яратган илоҳиётчи мутафаккир сифатида эътироф этилади¹. XVII–XVIII асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган Сўфи Оллоёрнинг асарлари нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам кенг оммалашган, туркий ва форсийзабон халқлар орасида катта обрў қозонган. Унинг «Сабот ул-ожизин» асари 300 йилдан ортиқ вақт мобайнида мактаб ва мадрасаларда асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган бўлиб, бу унинг илмий-амалий аҳамиятини янада оширади. Шунинг учун Сўфи Оллоёр ижодидаги тасаввуфий ва ахлоқий ғояларни комплекс тадқиқ қилиш бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини

1. Safarova U.J. Talabalarda So'fi Olloyor ijodida ma'naviy-ma'rifiy g'oyalar talqini



сақлаб келмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг маънавий тарбиясида миллий ва диний мероснинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Сўфи Оллоёр асарларидаги ахлоқий ва тасаввуфий ғояларни ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Сўфи Оллоёр ижодидаги тасаввуфий ва ахлоқий ғояларнинг моҳиятини, уларнинг ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф тарихидаги ўрнини илмий асосда таҳлил қилиш.

Асосий натижа. Сўфи Оллоёр XVII асрнинг иккинчи ярми, XVIII аср бошларида яшаб ижод қилган йирик ўзбек мутафаккири, тасаввуф шоири ва диний арбоб ҳисобланади. У (1644-1724) йилларда Самарқанд вилоятига қарашли Каттакўрғон беклигига қарашли Миёнкол мавзесидаги Минглар қишлоғида туғилган². Ёшлигидан илмга қизиққан Сўфи Оллоёр дастлаб маҳаллий мактабда ўқиган. 6 ёшида Қуръони каримни ўқиб тугатган, 12 ёшида эса уша давирдаги илм марказларидан бири бўлган Бухорога бориб, Жўйбор мадрасасида таҳсил олган.

Бухоро ўша даврда ислом илмлари, хусусан фикҳ, тафсир ва тасаввуф ривожланган марказ бўлиб, бу муҳит Сўфи Оллоёр дунёқарашининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. У дастлаб давлат хизматида фаолият юритган, Сўфи Оллоёр Бухоро хони Абдулазизхон томонидан бож маҳкамасига тўра этиб тайинланган бўлса-да, дарвешона феъл, шоирона кўнгил соҳиби бўлганлиги сабабли бу лавозимдан тезда истеъфо берган ва ўз даврининг машҳур шайхи Халифа Наврўз Шаҳрисабзий Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳ кўлида 12 йил давомида тариқат илмини ўрганиб, шайхлик мартабасига кўтарилган³. Шунингдек, у Хожа Мўмин Муҳаммад Ғазнавийлардан фикҳ илмидан дарс олганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Сўфи Оллоёрнинг тасаввуфга кириб келиши унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. У нафақат ўзини руҳий поклаш йўлида ҳаракат қилди, балки ўз билим ва тажрибасини халқ орасида ёйишга киришди. Унинг асосий мақсади инсонларни тўғри йўлга бошлаш, уларни маънавий камолот сари етаклаш эди. Мутафаккир ўз асарларида диний-илмий билимларни оддий халқ тушунадиган содда ва равон тилда баён этишга ҳаракат қилган. Бу эса унинг асарларининг кенг оммалашишига сабаб бўлган. Аллома тахминан 1724-йилда вафот этган ва ҳозирги Самарқанд вилоятида дафн этилган. Унинг қabri бугунги кунда

2. So'fi Olloyor (1644–1724) // Ziyouz.com. — 2013.

3. Bozorova M.Sh. O'zbek adabiyoti tarixida So'fi Olloyorning o'rni



зиёратгоҳга айланган ва аллома меросини ўрганиш мақсадида «Сўфи Оллоҳёр» жамғармаси ташкил этилган.

Сўфи Оллоёр ўз даврининг сермахсул ижодкорларидан бири бўлиб, у тасаввуфий ва дидактик руҳдаги бир қатор асарлар яратган. Унинг ижоди диний-маърифий йўналишда бўлиб, асарларининг асосий мақсади инсонни маънавий камолотга етаклашдан иборатдир. Мутафаккирнинг машҳур асарлари қаторига “Маслак ул-муттақин”, “Мурод ул-орифин”, “Маҳзан ул-мутеъин” ва айниқса “Сабот ул-ожизин” киради. Ушбу асарлар мазмунан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, унда исломий ақидалар, тасаввуфий ғоялар ҳамда ахлоқий меъёрлар ёритилган. Сўфи Оллоёр туркий ва форсий тилларда ижод қилган зуллисонайн шоир сифатида ўзига хос адабий мактаб яратган. Унинг асарларининг асосий йўналиши ислом маърифатини кенг халқ орасига ёйиш ва тасаввуфнинг инсоний камолот билан боғлиқ ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат бўлган.

„Маслак ул-муттақийн” (Тақводорлар маслаги), форс тилида ёзилган бу асар Сўфи Оллоёрнинг энг ҳажмли асарларидан бири бўлиб, 12 минг байтдан ортиқ, 135 та катта-кичик бобдан иборат⁴. Асарда Аҳли сунна вал жамоа ақидаси ва фикҳий масалалар ханафия мазҳабига кўра баён этилган. У нақшбандия тариқати мужаддия кўлининг назарий манбаси ҳисобланади ва унда сулук одоби, мурид ва муршид муносабатлари янгича талқинда ифодаланган. „Мурод ул-орифинъ” (Орифлар муроди) форс тилида ёзилган, 15 фаслдан иборат бўлган бу асар тасаввуф илмига бағишланган. Асар ўттизга яқин рисоалар асосида яратилган бўлиб, тасаввуфга тааллуқли масалалар кенг ёритилган.

„Маҳзан ул-мутеъин” (Итоаткорлар хазинаси) форс тилида ёзилган, икки бўлимдан иборат бўлган бу асар биринчи бўлимида ақидавий, иккинчи бўлимида фикҳий масалаларни баён қилади⁵. „Сабот ул-ожизин” (Ожизлар матонати) Ўзбек тилида шеърый услубда ёзилган бу асар аъқоид илмига бағишланган бўлиб, муаллифнинг энг машҳур асарларидан биридир асар форс тилидаги «Маслак ул-муттақийн» асарининг қисқартирилган ва ўзбек тилига мослаштирилган варианты ҳисобланади⁶. „Фавз ун-нажот” (Нажот тантанаси), Туркий тилда ёзилган маснавийларидан бири. Шунингдек, унинг „Баёзи аламқаш”да етмишдан ортиқ шеърлари, ғазаллари ва муножотлари сақланиб қолган.

4. Najmiddin Komilov. Tasavvuf. — Toshkent: Movarounnahr, 2009.

5. Naim Karimov. O'zbek adabiyoti tarixi. — Toshkent, 2008

6. Ibrahim Haul. Tasavvuf va badiiy tafakkur. — Toshkent, 2004.



„Сабот ул-ожизин” асари Сўфи Оллоёр ижодининг энг машҳур ва кенг тарқалган асари ҳисобланади. Ушбу асар дидактик руҳда ёзилган бўлиб, унда инсоннинг руҳий покланиши ва Аллоҳга яқинлашиш йўллари ёритилган. Асарда инсоннинг тавба қилиши ва гуноҳлардан покланиш, сабр ва қаноат, дунёга берилмаслик, нафсни жиловлаш ҳислатлари ёритилиб утилади. Муаллиф бу тушунчаларни оддий шеърӣ мисралар орқали ифодалаб, ўқувчига кучли таъсир ўтказди. Айниқса, нафсга қарши кураш ғояси асарнинг марказий мавзуларидан бири ҳисобланади.

“Сабот ул-ожизин” нафақат диний асар, балки ахлоқий қўлланма сифатида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, асрлар давомида мадрасаларда ўқитилиб келинган. Унинг диний-тасаввуфӣ руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қашқардан тортиб Волга, Урал дарёлари воҳалари, Астрахан, Булғор, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар кўп нусхаларда кўчирилган. XIX-асрнинг охирларига келиб эса Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта босилиб чиқарилган⁷.

Сўфи Оллоёр асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган, уларга бағишлаб шарҳлар ёзилган, луғатлар тузилиб, у қўллаган тасаввуфӣ истилоҳ-тимсоллар кенг шарҳланган. Сўфи Оллоёр асарни яратишда икки буюк манбадан фойдаланган: биринчиси, ислом таълимоти ва унинг муқаддас китоби Қуръондаги эзгулик, ҳадислар, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ва бошқа дин-тасаввуф номоёндаларининг ибратли ҳаёт йўли; иккинчиси, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузӣ, Алишер Навоий, Бобур каби алломаларнинг бадий асарларидан фойдаланилган. Асарнинг услуби содда, оҳанги туркона, бадий савияси юксакдир. Сўзларининг қисқа ва лўндалиги, кўплаб маъноларга далолат қилиши билан ажралиб туради. Бу эса асарни кенг оммалар учун тушунарли қилган.

„Сабот ул-ожизин” асар ўзбек тилининг тарихий ривожланиши нуқтаи назаридан ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Матншунос олим Рашид Зоҳидовнинг таъкидлашича, асар ХИБ–ХВИИ асрлардаги эски ўзбек тилининг лекцик-грамматик ва услубий имкониятлари билан ХВИИ асрдан кейинги ўзбек тилининг хусусиятлари ўртасидаги туташ нуқтада яратилган асардир. Бу уни тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам муҳим манба қилиб қўяди. Асарга кўплаб шарҳлар ёзилган: Тожиддин Йўлчиқулнинг «Рисолаи Азиза» (1796–1797),

7. Е. Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. — Москва, 1965.



Убайдулло ибн Исломқулининг «Шарҳи суфия», Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Яҳёхоннинг «Ҳидоят ул-толибин» каби асарлар «Сабот ул-ожизин»нинг энг машхур шарҳларидан саналади.

Сўфи Оллоёр нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси бўлиб, ўзбек адабиётида Алишер Навоидан кейинги нақшбандия таълимотини шеърый шаклда давом эттирган улуғ сўз санъаткоридир. У нақшбандия таълимотини ҳаётга татбиқ этиб, уни мадрасаларга олиб кирган. Унинг тасаввуфий қарашларининг марказида Аллоҳни ягона танимоқ (тавҳид), пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. га садоқат, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига риоя қилиш, шариат ва тариқат бирлиги ғоялари туради. „Сабот ул-ожизин“ асари мотуридия мазҳабидаги энг мўтабар матнлардан бири Нажмиддин Насафийнинг „Ақоид ул-насафия“ матни асосида ёзилган. Мутафаккир ёшларни ёмон иллатлардан қайтариб, уларни эзгу фазилатлар сари чорлайди. Унинг фикрича, жамиятнинг равнақи ҳам айнан комил инсонлар орқали таъминланади.

Хулоса: Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Сўфи Оллоёр ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф тарихининг ўзига хос, кўп қиррали шахс бўлиб, у нақшбандия тариқатининг мужаддиция тармоғининг йирик намоёндаси, зуллисонайн ижодкори, ўзига хос адабий мактаб яратган аллома-мутафаккир сифатида эътироф этилади. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўз даврининг илмий-маърифий муҳитини, шунингдек, диний-тасаввуфий анъаналарнинг ривожланишини ёритиб беради. Иккинчидан, „Сабот ул-ожизин“ асари нафақат ўзбек тилидаги диний-маърифий адабиётнинг етук намунаси, балки 300 йилдан ортиқ вақт мобайнида мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида қўлланиб келаётган, халқ орасида кенг тарқалган муҳим манбадир. Асарнинг содда, тушунарли, бироқ бадиий жиҳатдан бой услуби, комил инсон масаласини марказий реша сифатида кўтариб чиқиши унинг долзарблигини оширади.

Учинчидан, Сўфи Оллоёрнинг тасаввуфий қарашлари мотуридия ақидаси ва нақшбандия таълимоти асосида шаклланган бўлиб, тавҳид, иймон, маърифат ва ишқ тушунчаларини чуқур фалсафий-бадиий талқин қилади. Унинг ақоид ҳақидаги қарашлари, хусусан, иймоннинг зиёда ва кам бўлмаслиги, Аллоҳнинг сифатлари ҳақидаги талқинлари илмий жиҳатдан қизиқарли ва ўз даври учун илғор фикрлар бўлган.

Тўртинчидан, алломанинг ахлоқий тарбия ва комил инсон ғояси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг камтарлик, ростгўйлик, сабр, шукр,



адолат, илмга чанқоқлик, нафсни тийиш ҳақидаги панд-насихатлари замонавий таълим-тарбия тизимида ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук шахс сифатида шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бешинчидан, Сўфи Оллоёр мероси нафақат адабиётшунослик, балки тилшунослик, ақоид илми, педагогика ва тасаввуфшунослик нуқтаи назаридан ҳам комплекс ўрганишни талаб қилувчи бой илмий хазинадир. Унинг асарларини замонавий талаблар асосида тадқиқ қилиш, нашр этиш ва кенг оммага етказиш миллий-маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Сўфи Оллоёр ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш нафақат илмий, балки тарбиявий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафарова У.Ж. Талабаларда Сўфи Оллоёр ижодида маънавий-маърифий ғоялар талқини // Интер эдусатион & глобал студй. — 2024. — №4(1). — Б. 95–101.
2. Бозорова М.Ш. Ўзбек адабиёти тарихида Сўфи Оллоҳёрнинг ўрни // New Ренаиссансе. — 2025. — Вол. 2, Иссуе 2. — Б. 42–47.
3. Сўфи Оллоёр. Ғазаллар ва муножот. — Тошкент: Зиё, 2022.
4. Бойсоатов М. «Сабот ул-ожизин» ҳикоятларининг манбалари ва матний тадқиқи // Ориентал Ренаиссансе. — 2023. — 3(3). — Б. 6–13.
5. Сўфи Оллоёр (1644–1724) // Зиёуз.сом. — 2013.
6. “Сабот ул-ожизин” асарининг илмий таҳлили // илмий мақола (инлибрарй.уз)